*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 23 январ, сешанба | № 4 (208) | Сотувда эркин нархда

*Тадбир ва хулоса*

## Фарзандлар камоли - истиқбол гарови

Машҳур француз ёзувчиси Виктор Гюго "Оила жамиятнинг дуру гавҳари" дейди. Шундай экан, бу дуру гавҳарга гард юқтирмаслик, уни асраб-авайлаш эру хотиндан катта масъулият, жавобгарлик талаб қилади. Оиланинг тинчлиги жамиятнинг тинчлигини, фаровонлигини таъминлайди. Чунки жамиятнинг келажаги, эртаси бўлмиш фарзандлар оилада камол топади. Тарбия олади. Ота-она учун фарзанд тарбиясидан муҳим юмуш йўқ. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ота-она бўлиш осон, аммо оталик, оналик қилиш қийин.

Фарзанд тарбиясига, уларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб вояга етишига Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан ҳам катта эътибор берилмоқда. 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили", 2001 йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши гапимизнинг исботидир.

Юртимизнинг ҳар бир шаҳару қишлоқларида эл ҳурматига сазовор, барчага намуна оилалар кўплаб топилади. Бу оилаларда Ўзбекистон истиқболини яратувчи фарзандлар камол топмоқда. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, шундай ота-оналар ҳам борки, уларнинг ўзлари тарбияга муҳтож. Бу эса охир-оқибат эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг бузилишига олиб келади, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Чунки оилада отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳеч қачон бири иккинчисининг ўрнини боса олмайди.

Яна бир гап, никоҳ бекор қилингандан сўнг кўп ҳолларда болалар оналари билан қолади. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, она қарамоғида қолган болалар иқтисодий жиҳатдан бироз қийналиб ўсмоқда. Баъзи оталар алимент тўлашдан қочмоқда, ҳеч жойда ишламай вояга етмаган болаларига таъминот беришдан бўйин товламоқда.

2000 йилнинг 9 ойи давомида Адлия вазирлигига келган ариза ва шикоятлар таҳлил қилинганда, уларнинг 20,1 фоизи алимент ундириш ҳақидаги суд қарорларининг ижроси ўз вақтида бажарилмаётганлиги борасида эканлиги маълум бўлди. Шу боис ўтган йилнинг 20 октябридан 20 ноябригача шаҳар, туман судлари суд ижрочилари иш юритувида, уларнинг назоратида бўлган корхона, ташкилот, муассасаларнинг ҳисобхоналаридаги алимент ундириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг ижроси ўрганилди.

Республика ҳудудида 11387 та алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари берилган корхона, ташкилот, муассасалар бўлиб, ҳисобхоналарида 79626 та, шунингдек, бевосита суд ижрочилари назоратида 12152 та ижро варақалари мавжуд.

Тадбир давомида алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорлари ижросини лозим даражада бажармаганликлари учун 882 нафар масъул шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Жумладан, 814 нафар шахсга 1417555 сўм миқдорида жарима солинди.

Алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорларини бажармаганликлари учун 4 нафар масъул шахс ва алимент тўлашдан бош тортган 79 нафар қарздорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Масъулиятсизликка ва хато-камчиликларга йўл қўйган 305 нафар мансабдор шахслар устидан юқори турувчи идоралар номига тақдимномалар киритилди. Энг асосийси, ҳар хил сабаб ва баҳоналар билан корхона, ташкилот, муассасалар ҳисобхоналарида юборилмай, жавобгарлар томонидан тўланмасдан келинаётган 22824577 сўм алимент пуллари ундириб, даъвогарларга юборилди.

Бу тадбирга Наманган, Андижон, Сирдарё ва Хоразм вилоят ҳокимлиги адлия бошқармалари томонидан масъулият билан ёндашилди. Масалан, Наманган вилоят адлия бошқармаси мутахассислари томонидан 954 та давлат, нодавлат ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобхоналаридаги 6628 та алимент ундириш ҳақидаги ижро варақалари ижроси тўлиқ ўрганиб чиқилди. Натижада 10998337 сўмлик алимент пули, турли баҳоналар билан эгаларига ойлаб, йиллаб юборилмай тургани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан бир неча раҳбар ва ҳисобчиларга маъмурий чора кўрилди, 134 нафар шахсга 319000 сўм жарима солинди. Суд ижрочиларининг назоратида бўлган ҳеч қаерда ишламаётган 6452 нафар жавобгардан 8369023 сўм алимент ундирилди.

Вилоятдаги туман, шаҳар судлари суд ижрочилари томонидан ишсиз юрган, лекин алимент тўлаши лозим бўлган фуқароларни ишга жойлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Наманган шаҳар суди суд ижрочилари ёрдами билан 27 нафар шахс ишга жойлаштирилди. Шунингдек, Тўрақўрғон туман суди суд ижрочилари томонидан ишсиз юрган 367 нафар алимент тўловчилар аниқланиб, уларни бандлик хизмати орқали иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Сирдарё вилоят, туман, шаҳар судлари саъй-ҳаракатлари билан корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда ижро варақалари бўйича жавобгарларнинг иш ҳақларидан ушланган, аммо ҳисоб рақамларида маблағ йўқлиги рўкач қилиниб, эгаларига юборилмасдан қолган 3660078 сўм миқдордаги алимент пуллари даъвогарларга тўланди. Алимент тўлашдан бош тортиб, қочиб юрган қарздорларга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Вилоятнинг Ш. Рашидов туманидаги А.Қодирий номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси иш ҳақи учун 589600 сўм пул олган, аммо 2000 йилнинг июл, август ва сентябр ойлари учун даъвогар Х.Нуралиевага 3960 сўм миқдоридаги алимент пулларини ўз вақтида юбормаган. Шу боис хўжалик раҳбари А.Бердиқулов ва бош ҳисобчи Б.Бошбековнинг ҳар бири 7350 сўмдан жарима тўлайдиган бўлди.

Андижон вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси ва судлари корхона, ташкилот, муассасаларда жами 4654186 сўмлик эгаларига юборилмасдан қолган алимент пуллари борлигини аниқлаб, 4135115 сўмни ундириб, даъвогарларга юборди. Алимент ундириш тўғрисидаги судларнинг ҳал қилув қарорлари нафақат корхона, ташкилот, муассасаларнинг ҳисобчилари, раҳбарлари томонидан, балки уларнинг ижросини назорат қилиш ва таъминлаши лозим бўлган суд ижрочиларининг айби билан ҳам бажарилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Бухоро вилояти Когон шаҳар судининг 1998 йил 4 августдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар М.Бобохоновага жавобгар Т.Қаҳҳоровдан алимент ундириш ҳақидаги ижро варақа суд ижрочиси А.Тешаевнинг қўлида 1999 йил январ ойидан 2000 йилнинг сентябр ойигача, яъни 1 йил 8 ой ижросиз қолиб кетган. Адлия бошқармаси аралашувидан кейингина даъвогарга алимент пуллари ундириб берилди, ижрочига нисбатан интизомий чора кўрилди.

Шунингдек, Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси маъмурияти Оҳангарон шаҳар судининг катта суд ижрочиси Ш.Жумабоев, Бекобод шаҳар судининг суд ижрочиси Б.Қорабоевларга ҳам юқоридаги каби камчиликларга йўл қўйгани учун интизомий чора - ҳайфсан берди.

Бундай ҳолатлар Навоий, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари суд ижрочилари иш фаолиятида ҳам мавжудлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кўзланган мақсад сари қилинадиган ишлар кўлами ҳали кўп. Шунга кўра Адлия вазирлиги бундан буён ҳам ёш авлод тарбиясига, унинг келажагига хизмат қилувчи тадбирларни изчил амалга ошириб боради.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Адлия Вазирининг ўринбосари**

*Фармойиш ва келажак*

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАМОҚ

### Конституциямизни ўрганишдан бошланади



Яратганнинг ўз буюк Элчисига илк хитоби — "Ўқи!", деган каломи шарифдир. Пайғамбаримиз "Бешикдан то қабргача илм изла", деб марҳамат қиладилар. Зеро, илм инсон комиллигининг кафолатидир, инсондек яшаш гаровидир. Улуғ донишманд Афлотун эса "Илмларнинг ичида инсонни энг комилликка етказадигани ҳуқуқ илмидир" дея таъкидлайди. Бугун ҳуқуқ илмини ўрганиш Конституцияни ўрганишдан бошланмоғи лозим. Чунки барча тараққийпарвар мамлакатларда у Асосий Қонун сифатида эътироф этилмоқда, қабул қилинадиган бошқа қонуний ҳужжатлар унга мос бўлиши шартлиги таъкидланмоқда. Конституция устувор бўлган ўлкаларда фаровонлик, тараққиёт барқарордир. Шуни таъкидлаш жоизки, Конституцияга амал қилиш уни ўрганишдан бошланади. Одамлар ундаги ҳар бир банднинг аҳамиятини чуқур англаганларидагина унга амал қила бошлайдилар.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишининг эълон қилиниши катта бир воқеа сифатида эътироф этилди. Зеро, Фармойиш "Ҳаётимизнинг асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш..." каби улуғ мақсадларни кўзда тутади.

Асосий Қонунимизни ўрганишга давлат томонидан бундай юксак эътибор қаратилаётгани Конституциямизга бўлган ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлайди. Юртдошларимиз бу мўътабар ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини чуқур англасалар, ҳеч иккиланмасдан унга суянадилар.

Эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган Ўзбекистонда Конституцияни ўрганиш долзарб масаладир. Мустақил мамлакатда ўз ҳуқуқларини билган, уни тан олиш ва ҳурмат қилиш баробарида ўз бурч ва масъулиятини ҳам тўла англаб, шу асосида фаолият олиб борадиган шахслар - эркин одамлардир. Бунга эса мустақиллигимиз рамзи, эркинлик кафолати бўлмиш Конституциямизни билмай туриб эришиш мумкин эмас. Қомусимиздаги қуйидаги сўзларга эътибор беринг: "...Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас" (19-модда) ва айни пайтда "Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт" (20-модда). Хўш, бу ҳуқуқлар нималардан иборат, уни амалга ошириш йўллари қандай? Манфаат, қонуний манфаат нима? Конституцияда таъкидланган фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликлардан "...маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас", деган қонуний меъёрга одамларни қандай ишонтириш мумкин?

Ана шундай саволларга айнан Конституциямизни ўрганиш ва бир-биримизга ўргатиш орқали жавоб топамиз. Бунинг учун эса биринчи галда Конституцияни ўрганиш бўйича махсус дастурлар яратиш лозим бўлади. Фармойиш билан бу ва бошқа (ўқув курсларини ишлаб чиқиш, тегишли методикаларни тайёрлаш каби) вазифаларни амалга ошириш учун комиссия тасдиқланди. Ҳуқуқ соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлган олим ҳамда амалиётчилар комиссия таркибига киритилдилар.

Конституциямизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", дейилади. Хўш, нима учун бугунги кунга келиб атроф-муҳитга муносабат масаласи бунчалик долзарб, нега бу масалага оид меъёр Конституцияда ҳам мавжуд? Ана шу ўринда бу модда моҳиятини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилишда гапни нимадан бошламоқ керак, деган савол туғилади. Аввало экологик муаммолар, фожеалар бир мамлакатгагина тегишли эмаслигини англамоқ лозим. Сўнг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Хуллас, ҳуқуқий демократик жамият сари яна бир залворли қадам ташланди. Энди барчамиз Конституцияни ўрганиш баробарида ҳар йилнинг 8 декабрида у ҳақида тўлқинланиб гапиришдан ташқари, ундан ҳимоя излаш, эҳтимолдан холи бўлмаган "тажовузлар"дан Конституцияни асрашни ҳам ўрганмоғимиз шарт. Бу билан ўзимизни, ўзликни асраган бўламиз.

***Конституциямизни ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб ва устувор вазифаларидан биридир. Президентимизнинг Фармойишлари эса бу масалани кун тартибига янада жиддийроқ қилиб қўйди. Шу муносабат билан биз газетамизда "Конституциямизни ўрганамиз", "Бир модда моҳияти" каби доимий рукнлар очишга қарор қилдик. Конституцявий меъёрларга, яъни ҳаётимиз меъёрларига бефарқ бўлмаганларни ҳамкорликка чорлаймиз. Асосий Қонунимизга оид фикр-мулоҳазалар билдирилган мақолалар учун саҳифаларимиз ҳа миша очиқ.***

**«Инсон ва қонун» таҳририяти**



Кўпдан бери кутар эдик сени, оппоқ қор!

*Конституциямизни ўрганамиз*

## ҚАЛҚОН

### Ёки фуқаролик жамиятини англаш мезони

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Қувончдан юрагим ҳапиқиб кетди. Сабаби, яқиндагина ўзим гувоҳ бўлганим менга тинчлик бермай юрганди.***

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда ҳурматли Юртбошимизнинг Конституция ҳақидаги нутқини ойнаи жаҳон орқали эшитдик. Мустақил давлатимиз фуқароларининг, бўлғуси кадрларимизнинг ҳуқуқий билимдонлигини оширишга яна бир карра рағбат ҳис этдик. Орадан бир неча кун ўтгач, хизмат тақозоси билан Челак шаҳрига йўлимиз тушди. У ердаги техник касб-ҳунар лицейига кирдик. Муассаса раҳбари Абдукарим Толлибоев бу ердаги ишлар билан таништирди. Маълум бўлдики, касб-ҳунар лицейида "Б" ва "С" тоифали ҳайдовчилар, чилангарлар, фермер-ижарачилар, ҳисобчи ва ЭҲМ операторлари, бичувчи-тикувчилар йўналишларида йигирмата гуруҳда 601 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти, касб-ҳунар ўрганишаяпти. Уларга ўқув хоналари, лабораториялар, кутубхона ва бошқа зарурий шароитлар яратилган. Ўқувчиларга бир йўла 250 киши овқатланиш имконига эга ошхона, маданий-маърифий қулайликлар ҳозирланган. 50 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш устаси ёшларга билим бериб, касб сирларини ўргатаяпти. Лицей ўқувчилари футбол командаси ҳамда курашчи спортчилари вилоятда яхши натижаларни кўрсатишиб, жамоа мавқеини оширишмоқда.

Абдукарим Толлибоев ҳамроҳлигида машғулотлар ўтказилаётган бир неча ўқув хонасига кирдик. Ўқувчилар билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини нақадар билишлари юзасидан савол-жавоб қилдик. 79-ҳайдовчилар тайёрлаш гуруҳи ўқувчиси Илҳом Абдураҳимов давлат суверенитети, 82-ҳисобчилар тайёрлаш гуруҳи ўқувчиси Улуғбек Авазов давлат рамзлари юзасидан берган саволларимизга тўғри жавоб қайтаришди. Бироқ лицейнинг 66-, 74-, 79- ва 82-гуруҳларнинг баъзи ўқувчилари Конституция ва Қонуннинг устунлиги, халқ ҳокимиятчилиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчларига доир ўта соддалаштириб берилган саволларга ҳам жавоб қайтаришолмади. Бундан А.Толлибоев хижолат чекди.

- Касб-ҳунар лицейимиз ўқув режасига ҳуқуқшунослик фани киритилмаган, - деди у изоҳ қидириб.

Ҳақ гап. Ўқув режада нима бўлса шуни ўқитиб ўрганганмиз. Мазкур педагогик жамоага таъна қилишимиз ўринсиз.

Конституцияни ўрганишга Фармойишдан кейин катта имконият яратилганлигидан фахр ҳиссини сезасан. Сиёсий-ижтимоий аҳамиятга молик бу тадбирни амалга оширишга киришилганидан қувонасан. Фармойишни ўқиб қаттиқ таъсирланганимиз боиси ҳам шу эди. Фармойишга кўра 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсларини ўқитиш бошланадиган бўлди. Шубҳасиз, бу юқоридаги бўшлиқни тўлдиради.

Фармойишда фуқаролар кенг қатлами ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишда аввало Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини уларга етказиш талаблари қўйилган.

(Давоми 3-бетда)

УШБУ СОНДА

БЕПАРВОЛИКМИ ЁКИ БОШБОШДОҚЛИК? — 2-БЕТ

ДАН-ЧИЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА — 3-БЕТ

ҚИММАТГА ТУШГАН... АРАЗ ...туфайли "Гигант" хўжалигида "гигантлашиб" кетган можаролар — 4-БЕТ

Ҳуқуқий тарғибот

# ДЕМОКРАТИЯ РАВНАҚИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг ўнинчи йилига қадам қўйди. Ўзбекистонда ислоҳотларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт устуворлигини таъминлаш, демократия тамойилларига кенг йўл очиш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш учун ана шу тарихий фурсат катта из қолдирди.

Жамият ривожланиши тарихи ва тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий савия даражаси ортган сайин қонунийлик, инсонийлик таомилларига бўлган муносабат ҳам фаоллаша боради. Бу жараённи мустақил юртимизда, жумладан, вилоятимизда кузатаяпмиз. Халқимиз бутун жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонун кўмагида ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилаяпти. Шу тариқа қонун устуворлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар вужудга келаяпти. Мамлакат Парламенти томонидан қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар бунинг ишончли кафолатига айланди. Мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни омма онгига етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш эса давлат аҳамиятига молик вазифалар даражасига кўтарилди. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини Хоразм вилоятида ижро этишнинг аҳволи тўғрисида"ги масала ўрганилгани ва қўмита йиғилишида қараб чиқилганлиги фикримни яққол исботлайди.

Шак-шубҳа йўқки, ривожланган миллий онг, ғоя, шулар қатори намунали ҳуқуқий билим ва маданият демократия равнақининг гаровидир. Унинг шарофатидан жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш пойдевори вужудга келади. Масалага шу нуқтаи назар билан қаралса, вилоятимиз адлия бошқармаси ва унинг жойлардаги маҳкама ва муассасаларида ҳуқуқий маърифат тарғиботи энг муҳим вазифалар даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар даражаси ҳуқуқий маърифат савияси ва унинг тарғиботи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслик даркор. Шундай экан, қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги ишларни унинг тарғибот-ташвиқоти билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш талаб этилади. Бу борадаги ишлар, вазифалар ва ниятлар рўёбига шу туфайли эришилади. Қайд этиш жоизки, Республикамиз Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида" 1997 йил 25 май Фармони, шу юзадан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майда вилоятимиз ҳокимининг ўша йил 8 июлда қабул қилган қарорлари кўзлаган режалар рўёбини таъминлашнинг энг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда вилоятимизда, барча шаҳар ва туманларда ҳуқуқий маърифат масалалари билан шуғулланувчи бўлимлар тарғибот ўчоқлари шакллантирилди. Вилоят ҳокимлиги қошида махсус мувофиқлаштириш кенгаши тузилди. Ана шу тадбирлар баробарида Президентимиз Фармони қабул қилинганидан буён ўтган даврда жами 5677 та турли маърифий ва амалий тадбирлар уюштирилди, 4497 соатлик маърузалар, лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларнинг ўзи 1256 тани ташкил этди.

Ҳуқуқий маърифат билан боғлиқ оммавий тадбирлар вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг диққат марказидаги масалалар сирасига кўтарилгани эътиборга молик. Фақат 2000 йилнинг июн-декабр ойларида ҳокимликлар томонидан кенг ижтимоий масалалар мажмуини қамраб олган 144 та қабул кунлари, 121 та сайёр қабул тадбирлари, 150 дан ортиқ учрашувлар ўтказилганлиги, Хива, Хонқа ва Боғот туманлари кенгашлари шу юзадан махсус қарор ва тавсиялар қабул қилганлигини қониқиш билан қайд этамиз.

Кейинги пайтларда ёшлар тарбияси муаммолари, жиноятчиликнинг анча кенг тарқалган ўғирлик ва гиёҳвандлик каби турларига қарши кураш, диний ақидапарастликнинг зарари, фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги ҳимояси масалалари ҳуқуқий-маърифат тарғиботида марказий ўринга кўтарилган. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга дахлдор амалий ишларни ҳуқуқий маърифат тарғиботи билан бирга қўшиб олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Сирасини айтганда буни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Ишбилармонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир тадбирларимизнинг миқёси, қиммати ва аҳамияти аҳоли билан мулоқотларда, оммавий ахборот воситаларида кенг акс этаётганлиги унинг ифодасидир.

Юқорида жиноятчилик, қонунбузарлик миқёслари, унинг оз ёки кўплиги фуқароларнинг ҳуқуқий онги, билими, маданияти, дунёқараши, савиясига боғлиқ эканлигини уқдирдик. Бу борада қаноат ҳосил қилса арзийдиган ишлар қанчалик кўп бўлмасин, камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"ни амалга оширишга етарлича эътибор бермаётган идора ва ташкилотлар ҳам борлигини ўрганишларимиз натижасида яққол кўрдик. Тегишли фуқаролар йиғинлари, меҳнат ва ўқув жамоаларида, тадбиркорлик масканларидаги лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида якунланган йилнинг 9 ойи давомида муқаддам судланган 226 нафар шахс томонидан 236 жиноят содир қилинган. Бундай ҳоллар Хазорасп, Урганч, Боғот ва Янгиариқ туманларида янада ҳам кўпроқ кузатилган. Бунинг замирида сусташиб кетган ҳуқуқий тарғибот масалалари ётганлигини илғаб олиш қийин эмас. Шу жиҳатдан қараганда, Янгибозор туман суди масалага анча оқилона ёндашди. Туман судида кўриб чиқилган 11 та жиноят ишининг ҳаммаси юзасидан чиқарилган ҳукм ва қарорларда қонунчилик соҳасидаги ишларнинг бўш ва саёз уюштирилгани акс этди ҳамда унинг айбдорлари рўй-рост кўрсатиб берилди. Масалага бу таҳлилда ёндашув албатта яхши самарага етаклайди. Фикримизча, ҳуқуқий маърифатни биринчи галда истиқлолимиз ва истиқболимиз эгалари бўлмиш — ёшлар онгига сингдирмоқ даркор. Буни назарда тутса, "Ўсмир ва қонун", "Ёшларнинг конституцион ҳуқуқлари" мавзуларида қизиқарли мулоқотлар, давра суҳбатлари, "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловлари ўтказилиб борилаётгани айни муддао ҳисобланади. Ҳаракатда — баракат, дейишади. Интилиш ва изланишлар Урганч тумани мактаб ўқувчиларига яхшигина инъом туҳфа этди. Туман мактаби ўқувчилари "Сиз қонунни биласизми?" республика танловида фахрли 3 ўринга сазовор бўлишди.

Вилоят адлия бошқармаси ва унинг ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўлими айни пайтда Президентимизнинг Конституциямизни ўрганишни янгича ташкил этиш ташаббуслари билан эълон қилинган, "Оила", "Аёллар", "Соғлом авлод", "Оналар ва болалар" йиллари дастурлари доирасида ҳам кўпдан-кўп мароқли маърифат тадбирларини уюштирди ва ўтказилмоқдаки, бунинг шарофатидан минглагча кишининг онги ҳуқуқий билимлар билан бойитилмоқда.

Хуллас, ҳуқуқий маърифат тарғиботига ҳамма жойда демократиямиз равнақи учун бир йўл, деб қаралмоғини тақозо этмоқда. Бу борадаги ишлар, вазифалар, муаммо ва камчиликлар Олий Мажлис қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг юқорида таъкидланган йиғилишида ҳам атрофлича кўрсатиб берилди. Шунга мувофиқ, бу муҳим ишга ҳуқуқ-тартиботи идоралари билан бирга жойлардаги бошқарув, ўз-ўзини бошқарув органлари, барча меҳнат ва ўқув жамоалари, фаоллар, муаллимлар, ота-оналар баҳамжиҳат бош қўшишлари ниҳоятда муҳимдир. Ҳуқуқий маърифат тарғиботининг ҳозирги даражаси бу юзадан қўшимча дастур ишлаб чиқишни, унда тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес, деҳқон-фермер хўжаликлари эгалари ўртасида кенг миқёсли иш олиб бориш масаласини ёркин акс эттиришни, жойларда ҳуқуқий маърифат жамоатчилик Университетларини ташкил этишни ва шу каби долзарб ишлар рўёбига йўл очишини талаб қилаяпти.

Қарс икки қўлдан. Ўйлаймизки, якдил руҳда, аҳил бўлиб киришган ишларнинг бари ўз ижобатини топади, халқимиз намунали ҳуқуқий маданият баробарида жаҳон андозалари даражасидаги демократия даражасига эришади.

**Қаҳрамон ИСАРОВ,**
**Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

Уч авлод ардоғи

# КАСБ АРДОҒИ - УМР ЗИЙНАТИ

Қуш уясида кўрганини қилади, деган гапнинг тагида жон бор. Шунингдек, ота касбини ардоқлаб, уни давом эттирадиган фарзанд аъмолида ҳам мўл-кўл ризқу барака бор. Хизмат тақозоси билан Шаҳрисабз туман ички ишлар бўлимида бўлганимда ота касбини эъзозлаб ҳурмат топаётган милиция майори Нурулла Маматов ҳақида мамнуният билан гапиришди. У Шаҳрисабз шаҳрининг қоқ марказида Амир Темур хиёбони ҳудудида участка вакили бўлиб ишлар экан. "Интурист" меҳмонхонасининг шундоқ ёнгинасида жойлашган хизмат хонасида Нурулла ака билан суҳбатлашдим.

- Шаҳримизнинг "Кулоллик", "Зиндарон", Амир Темур хиёбони, "Шаҳрисабз" меҳмонхонаси атрофидаги ҳудудда истиқомат қилувчи 10 мингдан зиёд аҳолининг осойишталиги учун кеча-ю кундуз хизмат қиламиз, - дейди майор. - Жиноятлар рўй бермасдан аввал унинг олдини олиш бош вазифамиз. Ҳамиша аҳоли ўртасида адолатли қонунларимизни тушунтиришда тарғибот-ташвиқотнинг самараси катта. Шунингдек, рўй берган жиноятдан хабар топишимиз ҳамоно "иссиғида" очишнинг, жиноятчининг жазосиз қолмаслигига эришишнинг, жабрдийда кўнглига малҳам топишнинг аҳамияти беқиёс. Ҳамиша ҳушёрлик, тезкорлик, синчковлик ва топқирлик участка вакилига хос фазилат. Ўтган йили ҳудудимизда 9 та жиноят аломати бор воқеа қайд этилган бўлса, уларнинг аксарияти воқеа жойида ўз вақтида фош қилинди. Шундан 5 тасини шахсан ўзим очишга муваффақ бўлдим. Тўғри, биз билан доимий ҳамкор бўлиб хизмат қиладиган участка вакиллари Оқбўта Хушвақтов, Равшан Бобоев, Ғани Йўлдошевларнинг ҳам алоҳида хизматлари бор. Уларнинг ҳар бири ўз ишини пухта биладиган, касбини севадиган ходимлар. Ишимизда жиддий ҳамкорликсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

- Нурулла ака, айтишларича бу касб сизга отамерос экан?

- Ҳа. Отамиз Мамат Бойназаров ҳам бир умр шу касбни ардоқлаган ва... ардоқ топган. Асосан Яккабоғ тумани ИИБда хизмат ўтади. 101 ёшларида вафот этдилар. Жойлари жаннатда бўлсин... Отамизнинг мана бу панд-насиҳатлари ҳамиша қалбимизда: "Бу касбнинг одами — энг аввало юраги ва қўли тоза бўлиши керак. Кўзи ўткир, оёғи илдам бўлсагина касбидан барака топиб яшайди". Яратганга минг қатла шукрки, отамиз ўгитларини олиб, кам бўлмадик. Катта ўғлимиз Сирожиддин Маматов ҳам бобомерос касбни қўлга олиб, ДАН назорати бўлимида ишламоқда.

Биз ҳам уларга янги асрда бахт-омад тилаймиз!..

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Давлат, солиқ, солиқ тўловчи ўртасидаги ҳамкорлик, бу борадаги ислоҳатлар соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бухоро вилояти Қизилтепа тумани солиқ идораси ходимлари ҳам буни яхши тушунадилар.*

*Суратда: солиқчилар Ғ. Каримов ва О. Саломовлар тадбиркор А. Файзуллаев билан навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.*

Ҳуқуқшунос минбари

# НАФАҚАНИ КИМЛАР ОЛАДИ?

Бирор ишни охирига етказа олмайдиган ёки ҳақини ундириш учун кураша олмайдиганларни ота-боболаримиз "очқаса, тўярини билмайди" деб койийдилар. Гапнинг рости, давлат томонидан қатъий белгиланган маълум имтиёзидан ҳам фойдалана олмай юрган аёллар ва уларни сарсон қиладиган айрим тўралар ҳақида гапиргим келиб қолди, шу тобда.

Термиз шаҳри "Дарё порти" маҳалласидан Сония Рўзиева ҳамда "Жўйжангал" маҳалласидан Дилафрўз Ғоиповлар узоқ вақтлардан буён болалари учун нафақа ололмайдилар. Маҳалла раислари уларни ҳали у, ҳали бу ҳужжат керак, деб бўзчининг мокисидек серқатнов қилиб қўйган. Қўлида ёш боласи билан соддадил аёллар раисни излаб гоҳ идорага, гоҳ уларнинг уйига қатнайверадилар. "Жўйжангал" маҳалласининг раиси Жамила Қосимова эса Дилафрўз Ғоиповани "Никоҳ гувоҳномангиз йўқ экан" деб нафақа пулидан қисади. Ахир, нафақа пули олиш учун фарзанднинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси борлиги кифоя эмасми? Бизнинг аралашувимиз билан маҳалла раислари болалар нафақасини гўёки ҳамёнидан тўлаётгандек оғринибгина тўлашди.

"Янгиариқ" жамоа хўжалигига қарашли Қорахон маҳалласи раиси Войит Хидиров ҳам Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, ўзига дилозорликни касб қилиб олганлардан чиқиб қолди. Ундан нафақасини ўз вақтида ололмаган аёл вилоят марказига қатнаб, адолат излайди. Унга қўшилиб қўлидаги олти ойлик чақалоқ ҳам биғиллаб йиғлайди. Моҳичеҳра Очилованинг нафақа олмаслигига сабаб бўлган "катта айби" фуқаролар йиғини мажлисида қатнашмагани эмиш. Фуқаролар йиғини раиси Шокир Қиличев икки болали аёлга "Мажлисда қатнашмадинг, энди ҳокимга борасанми, прокурору мелисага борасанми, боравер", дебди. Термиз тумани ҳокимлигидаги масъул шахс эса арзини эшитмабди. Хуллас, шўрлик она билан у яшайдиган маҳаллага, фуқаролар йиғинига бордим. Гапнинг очиғи, у ердаги кунўтар кайфият, совуққон муҳит дилимни хуфтон этди.

Умуман, ёш болали, ночор аёлларни нафақа тўламай сарсон этиш борасида Термиз тумани бошқаларга ўрнак бўлаётир. Яна бир мисол: "Намуна" жамоа хўжалигига қарашли А.Навоий номли маҳаллада (раиси Нуралиев) яшовчи Ойнахол Мўминова илгари Термиз шаҳри, Петрова кўчасида яшаган. Тақдир тақозоси билан қайнонаси ёлғиз қолганлиги боис тўрт фарзанди билан Термиз тумани "Намуна" жамоа хўжалигининг А.Навоий маҳалласига кўчиб келади. Илгари яшаган жойидан ва қўни-қўшнилари номидан икки йилдирки, нафақа олмаётганлиги тўғрисида маълумотнома, гувоҳлик хати олиб борса ҳамки, маҳалла раиси уни-буни баҳона қилиб, нафақасини бермай сарсон қилган...

Ҳузуримга аёллар нафақа масаласида шикоят билан келганида кўнглимдан шундай саволлар кечади: нима учун давлатимиз томонидан ажратилаётган нафақа пуллари баъзан муҳтож оилаларга эмас, балки Термиз бозорларида «ишбилармон»лик қилаётган эпчил аёлларга берилаяпти? Фаолиятим давомида шундай мисолларга дуч келдим ҳам.

Бир тоифа раҳбарлар муҳтожларнинг ҳақини тўқларга бераётганларида диллари, қўллари қалтирамасмикан? Улар Тангридан ҳам, қонундан ҳам қўрқишмайдими? Ахир, мазлумларнинг кўз ёши, қарғишидан сақланинг, дейилган-ку!

**Турсуной ЖЎРАЕВА,**
**Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши**



Мирзачўл туманидаги "Иржар" нефт маҳсулотлари корхонаси ҳар йили истеъмолчиларнинг талабини ўз вақтида қондиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилиб келаяпти. Бу ерда кўплаб деҳқон-фермерлар билан шартномалар тузилиб, шартнома шартлари амалда бажарилаяпти.

Суратда: (чапдан) А.Темур фермер хўжалиги раиси Момохол Сафарбоева корхона мутахассиси Ғайрат Ҳайдаров билан истеъмолчиларга ажратилган жамғармаларни назорат қилиш хусусида суҳбатлашаяпти.

* * *

Исмат Ибрагимов Оқолтин туман ИИБда 10 йилдан бери ишлаб келаяпти. У ҳозир Сардоба қўрғони участка вакили. Бу ерда 15,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Участка вакили И.Ибрагимов ҳар бир оилани яхши билади. Улар билан яқиндан суҳбатлар олиб боради. Шу боисдан бўлса керак унинг участкасида жиноятлар кун сайин камайиб бормоқда.

Пастдаги суратда: милиция майори Исмат Ибрагимов Сардоба қўрғони фуқаролари билан ўзаро мулоқотда.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**
**олган суратлар**



Сергаклик — бурч

# МОЛ-МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Бўлинмамиз ходимлари асосан давлат ва жамоат бинолари ва фуқаролар хонадонларидаги мулкларни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш билан бирга, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, аҳоли ижтимоий хавфсизлигини таъминлашни асосий вазифа деб билади. Айни кунда тасарруфимиздаги қўриқланадиган объектлар сони 90 дан зиёд. Ўтган йили жамоамиз тартиботни сақлаш ва қўриқланаётган иншоотларда жиноятчиликнинг олдини олишда сезиларли ишларни амалга оширди. 45 та шахс турли ҳуқуқбузарликлар содир этган ёки суиқасд қилганда ушланиб, тегишли жазога, 6 нафар фуқаро майда безорилик содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Кўплаб ташмачилар жиловланди. Ходимларимизнинг аксарият қисми ёшлардан иборат. Улар тўлиқ бошланғич тайёрлов курсидан ўтган. Шунингдек, улардан 4 нафари ҳуқуқшунослик коллежида, 6 нафари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида хизматдан ажралмаган ҳолда сиртдан таҳсил олмоқда. Уларни хизматга тайёрлаш, сезгирлик ва ҳушёрлик қобилиятини оширишда милиция капитани Шомурод Усмонов мураббийлик қилмоқда. Ходимларимиз ўзининг жисмоний, жанговар ва сиёсий тайёргарлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган Тўра Имомқулов, Азамат Жовлиев, Қобил Хўжамуродовлар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

**Асад АВЛОҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани ИИБ "Қўриқлаш" бўлинмаси бошлиғи, милиция майори**

Мухбиримиз бонг уради!

# БЕПАРВОЛИКМИ ЁКИ БОШБОШДОҚЛИК?

Кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган миллий дастур, таълим тўғрисидаги қонун, умуман, мана шу соҳани юксалтириш борасида қабул қилинган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Сурхондарё вилоятида қандай ижро этилмоқда? Иттифоқо, ўтган йилнинг ноябр ойида Қумқўрғон туманида бўлиб ўтган вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари раҳбарларининг кўчма йиғилишида иштирок этиб, унда кўтарилган айрим жиддий муаммоларнинг ечими билан қизиқдим. Муаммолар ичида энг жиддийси бу касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилишда йўл қўйилган қонунбузарликлар эди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларига ўқувчиларни қабул қилишни белгиловчи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғининг (№ 113, 19 июл 2000 йил) 2-моддасида 2000-2001 ўқув йилида йигит-қизларни фақат 9-синф ҳажмидаги маълумот билан қабул қилиш зарурлиги аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Шунга кўра ҳужжатлари қабул қилинаётган бўлажак ўқувчиларнинг ёшлари йигирмадан ошмаган бўлиши шарт.

Йиғилишда бу борада жиддий хатоликларга йўл қўйган кўпгина ўрта махсус, касб-ҳунар муассасалари қаторида Узун ва Сариосиё туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига сазовор бўлган Холмўмин Холмуродов директорлик қилаётган Сариосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига жорий ўқув йили учун йигирма икки нафар йигит-қизнинг ҳужжатлари ғайриқонуний тарзда қабул қилинган. Аксарият ўқувчилар 8-синф маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома билан ёшлари ўтган ҳолда қабул қилинганлар.

Кўчма коллегияда ғайриқонуний равишда ўқувчиликка қабул қилинган йигит-қизларни ўрта мактабларга қайтариб юбориш ва мазкур нуқсонларга йўл қўйган шахсларга кескин чора кўриш ҳақида қароpу буйруқлар ҳозирланди-ю, афсуски, ижро этилмади. Коллежда бўлиб, бу масала билан қизиққанимда, директор ўринбосарлари бўлмиш на Ёраҳмад Бобоевдан, на Зулайҳо Шукуровалардан тайинли бир жавоб ололмадим. Улар мужмалгина қилиб:

- Болаларни-ку мактабларига қайтариб юбордик, аммо ҳужжатлари ҳозирча шу ерда, - дейишди.

Узун туман Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлганимда, директор Холиқул Қорақулов хизмат сафарида эканлар. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Муҳиддин Каримов билан суҳбатимиз ғалати ва антиқа бўлди.

- Биринчидан, ўқувчиларнинг ҳужжатларини ноқонуний тарзда қабул қилмаслик керак эди. Энди эса қайси юз билан уларни келган мактабларига қайтариб юборамиз? Ахир, уларнинг ота-оналари норози бўлишса, қабул қилганларнинг ҳоли нима кечади? - дейди дангалига М.Каримов.

Ўша куни Муҳиддин Каримов ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Хўжамберди Қурбонов билан бирга ҳужжатлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг юқорида келтирилган буйруқ талабларига зид равишда қабул қилинган йигирма етти нафар ўқувчиларнинг исм-шарифларини аниқладик. Ўрта махсус касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифи (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган)га кўра ўқув муассасаларининг ҳар бир йўналишда ўз соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашлари қатъий белгилаб қўйилган. Аммо воажабки, айрим коллеж раҳбарлари қўшимча мутахассисликлар тайёрлайдиган бўлимлар очиб олишганга ўхшайди. Акс ҳолда, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида ҳуқуқшунослик бўлимларининг баҳорги қўзиқориндек кўпайиб қолганлигини қандай баҳолаш керак?

Ҳа, айтганча, гап эгасини топсину ўқувчиларга берилиши керак бўлган стипендия пулларининг ҳақиқий эгаларини зору маҳтал қилиб қўйиб, сафар харажатлари-ю, яна бошқа тўловлар учун сарфлашга чоғланганлар ҳам пайдо бўлаётганига асло муроса қилиб бўлмайди. Келгуси гал бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтишни дилга тугиб, ушбу кичик мақоламизга уч нуқта қўйдик...

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**"Инсон ва қонун"нинг мухбири**

## Қонун лойиҳасини Бош прокурор шарҳлайди

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимиз раҳбари — Президент И.Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "...эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир" деган эди.***

Маълумки, Конституциямизнинг 24-боби прокуратурага бағишланиб, 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади" деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 9 декабрида "Прокуратура тўғрисида" дастлабки Қонунимиз қабул қилинган, унда вазифа ва мақсадларни тўғри йўналтириш, амалда таъминлаш механизми аниқ акс этган эди. Ана шу Конституциявий тарзда республикамиз прокуратураси идораларига юкланган масъулиятли ва айни пайтда шарафли вазифаларга асосланиб, мамлакатимизнинг барча яратилган қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси устидан бевосита прокурорлик назоратини бекаму кўст таъминлаш чоралари кўриб келинмоқда.

Ўйлайманки, бу албатта, маълум даражада жамоамиз ва жамоатчилик фикри — бугун "прокуратура" сўзи тилга олиниши билан кўз олдингизга ҳуқуқ посбони, қонун ҳимоячиси тимсоли гавдаланмоқда, зеро, интилишимиз, мақсадимиз ҳам шунда мазмун топгандир. У мустақиллигимиз даврида халқ номидан, халқ манфаатлари учун қабул қилинган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга сафарбар этилган даргоҳга айланиб бормоқда. Бунга маълум даражада эриша билдик, деб мамнуният билан айта оламиз.

Прокуратуранинг серқирра фаолияти ташкил этилиши ва қонун устуворлигини таъминлаш услублари, фуқаро манфаатини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва турфа хил ишлар устидан тергов олиб бориш жараёнлари борасидаги ҳуқуқий дастаклар ҳуқуқий демократик жамият барпо этишимиз йўлида ўз таъсирини кўрсатиб келди.

Энг муҳими, прокуратура идоралари юртимизда амалга оширилаётган, ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларида юз бераётган ислоҳотлардан четда турмади, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий жараёнларда ўз ўрни, сўзи билан амалий фаолият кўрсатди, давр сайин жадалроқ, самаралироқ ишлар кўлами кенгайтириб борилди.

Бу айни пайтда танлаган йўлимиз қонун устувор бўлган ҳуқуқий жамият бунёд этиш тақозоси эди. Табиийки, бундай жамиятда қонун мутлоқ ҳукмрон бўлиши, у орқали мамлакат ўз одимини ташлаши керак. Қонунларга оғишмай амал қилиниши, таъминланиши учун эса улар ижроси устидан назорат ўз ўрнида бўлиши муҳимлиги ҳам табиий. Таъбир жоиз бўлса, ишларимиз кўлами хусусида баъзи рақамларни келтирмоқчиман.

Фақат 2000 йилда қонунлар қай даражада бажарилаётгани юзасидан 15 мингга яқин текширишлар ўтказилиб, натижаларига кўра 60 мингдан зиёд прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Бизнинг талабларимиз асосида 70 мингдан зиёд мансабдор ва масъул шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 9 мингдан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Етказилган моддий зарарнинг 200 млн. сўмга яқини ихтиёрий равишда, 2 млрд. сўмга яқини киритилган даъво аризаларимиз асосида суд қарорлари чиқарилиб, ундирилиши таъминланди.

Судларда кўрилган жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларида прокурор иштироки таъминланди. Судларнинг қонун талабларига жавоб бермайдиган 4,5 мингдан ортиқ қарорларига протест келтирилди.

Прокуратура идоралари томонидан 10 мингга яқин жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, судларга ҳавола этилди. Аниқланган моддий зарарнинг 4 млрд. сўмга яқини тергов жараёнида ундирилиши таъминланди.

Фуқароларнинг 30 мингдан зиёд ариза ва шикоятлари кўриб чиқилиб, ҳал қилинди. Бунда инсон манфаатлари, уларнинг қонуний ҳимоясига эътибор қаратилиши халқнинг прокуратура идораларига ишончини оширишга хизмат қилди.

Жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган қарийб 55 мингта тадбир ўтказилди. Асосий эътибор фуқаронинг, айниқса, ёшларнинг диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, бунга йўл қўймаслик каби долзарб масалаларга қаратилди. Бунда жамоалар, маҳаллалар аҳли билан учрашувлар самарали йўл деб тан олинди.

Прокурорлик назоратининг бошқа кўплаб йўналишларида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Аммо ҳаёт тўхтаб турамаганидек, қонунлар ҳам, фаолиятимиз ҳам замон ва макон сайқалидан ўтади. Бу прокуратура идораларига ҳам бевосита таалluқли бўлиб, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боис Конституцияда кўзда тутилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тақдим қилдик ва у Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ 4-сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди.

Хўш, янги таҳрирдаги лойиҳамиз амалдагисидан нимаси билан фарқ қилади?

Киритилаётган ўзгаришларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин, яъни:

- янги нормалар киритиш;
- қонун нормаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш;
- қонун моддалари ва тузилмасини таҳририй жиҳатдан қайта кўриб чиқиш.

Лойиҳага кўра, Қонунга 8 та янги моддалар киритилиши таклиф қилинган. Аввало, лойиҳанинг 1-моддаси "Прокуратура" деб номланиб, бу идоранинг ҳуқуқий мақоми аниқроқ ифода этилди. Унда "Прокуратура — ягона, марказлаштирилган тизимга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлат органи" эканлиги акс этди.

Лойиҳанинг 7-моддаси прокуратура органларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги хусусидадир. Бунда Президентимиз томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган ғоя асос қилиб олинган.

Мазкур моддада жамоатчиликни қонунийлик ва жиноятчиликнинг аҳволидан мунтазам хабардор қилиб бориш, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлар, уларда чиқишлар қилиб бориш, депутатлар ва оммавий ахборот воситаларининг ёзма мурожаатларига ахборот тақдим этиш каби вазифалар киритилди. Бу — амалий зарурат дан келиб чиқиб, кундалик ишимизни ташкил этишни яхшилашга қаратилган таклиф ҳисобланади.

Шунингдек, прокурорлик фаолиятининг энг долзарб масалалари муҳокама қилинадиган ҳайъат ва мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларига жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки алоҳида қайд этилди.

Лойиҳанинг 10-моддаси "Қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш" деб аталди.

Маълумки, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар, жумладан, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, олдини олиш ишларини алоҳида, айрим ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улар ечими кўпинча вазирлик ва бошқа соҳалар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига, уларнинг ҳамкор ишларига боғлиқ. Шу боис қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириб бориш прокуратура зиммасида бўлиб, самара бераяпти. Бунга ўтган йили ўнлаб долзарб масалалар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида ишлаб чиқилган тадбирлар ва уларнинг ижроси таъминланиши далилдир.

Масалан, жазони ўтаб, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтганларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи Ички ишлар вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар қошидаги ижтимоий кўникма марказларида ўрганилди, қатор муаммолар аниқланди. Бу тоифа фуқаролар ҳуқуқларини тўла таъминлаш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида 2000 йил декабрида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши ўтказилди, ҳамкорликдаги вазифаларимиз белгилаб олинди.

Бу ишлар самарасини ҳисобга олган ҳолда, мазкур фаолият алоҳида модда тарзида Қонунга киритилаяпти. Унга кўра Бош прокурор ва қуйи прокурорлар тегишли ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва бошқа органларнинг қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида прокуратура идораларига катта масъулият юклайди, идоралар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳанинг 20-моддаси жойларда прокурорлик текшируви ўтказиш асосларини белгилаб беради. Бу жуда муҳим. Чунки давр ва вазият кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлар, умуман, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти текширилишини қатъий тартибга солишни тақозо этаяпти.

Хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар, фермерлар фаолиятига асоссиз аралашишга чек қўйишнинг барча таъсирчан чоралари кўрилмоқда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш, унинг жойлардаги комиссияларига амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, назоратнинг кучайтирилиши бундай ҳолатларнинг кескин камайишини таъминлаяпти. Ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Муҳими, прокуратура бу талаб бажарилишини назорат қилишдан ташқари, ўз текширувларини ҳам қатъий тартибга солиши керак.

Лойиҳанинг 31-моддасида прокурор назорати ҳужжатларининг турлари аниқлаб берилган.

Боиси шуки, амалдаги Қонунда бу масала бир неча боб ва моддаларда тарқоқ ҳолда ифода этилиб, баъзи тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган эди. Лойиҳага киритилган бу янгиликда прокурорлар қўллайдиган тақдимнома, амрнома, огоҳнома, қарор ва аризаларнинг сифати ва таъсирчанлиги янада юқори бўлиши мақсад қилиб қўйилган. Чунки аввало, прокурор назорати ҳужжатлари қонунбузилиш ҳолларини тўлиқ бартараф этилишини таъминлашга хизмат қилиши асосий мезон ҳисобланади.

Лойиҳанинг 35-моддаси прокурорлик назорати ҳужжатларидан бири ҳисобланган, амалиётда кенг ва самарали қўлланилиб келинаётган прокурорлик аризаси хусусидадир. Унда бу муҳим назорат ҳужжатига тушунча бериш билан бирга фуқаролар ва юридик шахслар қонуний манфаатларини кўзлаб судларга киритилаётган аризалар самара бераётганлиги эътироф этилган. Масалан, ўтган йили прокурорлар томонидан судларга 16,5 мингта ариза киритилганлиги фикримиз далилидир.

Яна бир янги таклифимиз хусусида. Маълумки, прокурор ходимлари давлат мустақиллиги ва фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилувчилар ҳисобланиб, қалтис вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Демак, қайсидир маънода уларнинг ўзлари ҳамда оила аъзолари кафолатли муҳофазага олиниши керак.

Шу боис лойиҳага 42-модда қўшимча киритилиб, унда прокуратура органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўзда тутилган.

Бу қўшимча имтиёз ёки енгиллик талаб қилиш дегани эмас, "Судлар тўғрисида"ги Қонунда судьяларга берилган ижтимоий ҳимоя чораларига мувофиқлаштирилган, холос.

Лойиҳанинг 47-моддасида "прокурор" атамасига изоҳ берилган. Бу билан прокуратура идораларида хизмат қилаётган прокурорлар, уларнинг ёрдамчилари, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ваколатлари доираси аниқ белгилаб қўйилган.

Иккинчи гуруҳ ўзгаришлари ҳақида сўз борар экан, амалдаги Қонуннинг 41-моддаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ тамомила чиқариб ташланаётганлигини таъкидлаш жоиз. Унда айрим прокурорларда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи мавжуд эди. Бу ваколатдан воз кечишдан мақсад судлар мустақиллигини эътироф этиш билан бирга, Қонунни республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларга мослаштириш мақсади ҳамдир.

Бошқа қатор моддалар ҳам амалдаги қонун ва кодексларга мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Учинчи гуруҳ ўзгаришларга изоҳ беришда қонуннинг асосий мазмуни ва мақсади сақлаб қолингани ҳолда, бир-бирини такрорлайдиган, ҳуқуқий ислоҳотлардан ортда қолган моддалар ва жумлаларни чиқариш ҳисобидан Қонуннинг анча ихчамлаштирилганлигини қайд этиш жоиз. Амалдаги Қонун 56 та моддадан иборат бўлса, янги таҳрирдагиси 47 та моддада ўз ифодасини топмоқда.

Шубҳасиз, ислоҳотлар шароитида давлат ўз қонунлари, ижро механизми ва назоратни таъминловчи воситаларни демократик тамойиллар асосида такомиллаштириб боради. Бу табиий ва тараққиётнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Ўйлаймизки, прокуратура ҳақидаги бу муҳим ҳужжат мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлатимиз мустақиллигини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Мақсад — қонунларнинг барча томонидан бир хилда ва аниқ бажарилишини таъминлаш, зеро, Юртбошимиз айтганидек, **"Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир".**

**Рашит ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокурори**

---

*Конституциямизни ўрганамиз*

# ҚАЛҚОН

## Конституцияни билиш фуқаролик жамиятини англаш мезони

**(Боши 1-бетда)**

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика "Маҳалла" жамғармаси, тегишли жамоат ташкилотлари Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсинлар, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгиласинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар, - дейилади фармойишда.

Конституция биринчи ва асос солувчи саналади. Қабул қилинадиган қонунлар Конституциядан келиб чиқади ва унга зид бўлмаслиги шарт. Шу боис Конституцияни жайдари тил билан қонунларнинг отаси десак, хато ҳисобланмас. Аксари ҳолларда қаердаки адолатсизлик қилинса, инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилса, турли ёзишмалар юзага келади. Шу билан бирга ҳуқуқий савиянинг етарли бўлмаслигидан фуқароларнинг турли идоралар эшикларини чертишларига, арзномалар ёзишларига ҳам тез-тез дуч келамиз. Таҳририятимизга Самарқанддан келган бир хат фикримиз далили.

Сайёра билан Алишер (исмларини ўзгартириб келтирдик) турмуш қуриб дастлабки йиллари яхши яшашгану кейинчалик қайнона-ўғил Сайёрани икки қизалоғи билан уйдан ҳайдаб чиқарганмиш. Ўз тили билан айтганда Сайёра айбсиз, жабрдийда.

Хатни жойида, маҳалла оқсоқоллари, қўни-қўшнилар иштирокида чуқур ўргандик. Маълум бўлдики, Сайёра ва Алишер бирга яшашлари даврида никоҳдан ўтишмаган. Сайёра суд орқали Алишердан фарзандлари учун алимент олади. Эр-хотин Сайёра ота-онасиникига кетиб қолгунига қадар куёвнинг отасини ҳовлисида яшаб келишган.

- Қайнотамнинг моллари, қўй-эчкиси кўп, - деди Сайёра. - Қизларим билан менга кўп қаватли уйдан квартира олиб берсин. Бўлмаса уйни бўламиз, ўз улушимни бузиб олиб кетаман. Мен шу мақсадда судга мурожаат қилдим. Лекин натижа чиқмаяпти.

Тўғри, натижа чиқмайди. Чунки эр-хотиннинг биргаликдаги никоҳлари давомида орттирганлари уларнинг умумий мулки ҳисобланади. Алишер ҳам, Сайёра ҳам Қувондиқ бобога тирик товон. Эр — талаба. Уларнинг оилага нафи ҳам, уй қурилишида ҳиссаси ҳам йўқ. Ҳовли-жой Қувондиқ бобонинг мулки, улар фақат рўйхатда туришибди. Агар хотини яшаб келаётган уй эрининг ота-онасига тегишли бўлса-ю, аммо у бу оиланинг аъзоси сифатида яшаб, мазкур уйга рўйхатга қўйилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 32-моддасига асосан шу уйнинг эгалари қаторида уйда яшаш, фойдаланиш ҳуқуқига эга. Яна бир томони — уйга яшаш учун суд тартибида киритилиши ҳуқуқига ҳам эга.

- Биз суд қарорига кўра Сайёрани ўзи рўйхатда турган қайнотаси Қувондиқ бобонинг уйига киритиб қўйдик, - дейишди суд ижрочиси ҳам, маҳалла қўмитаси раиси ҳам. - Лекин у қайнотам квартира олиб берсин, мен у уйда яшамайман, дея юқорига ёзишдан тўхтамаса, биз нима қилайлик?!

Сайёра билан суҳбатлашганимизда унинг мақсади квартирадан бошқа нарса эмаслиги аён бўлди. У ота меҳрисиз ўсаётган қизалоқларни заррача ўйламайди. Квартирали бўлса бас. Начора, қонун Сайёрага боқмаяпти.

Энди фарйомишга келадиган бўлсак, ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари қоғоздамас, амалда ишлашлари, Конституция ва қонунлар моҳиятини Сайёрага ўхшаган фақат ўз манфаатини талаб қиладиганларга асосли манбаларга таяниб етказишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳақида"ги Фармони билан мазкур ҳуқуқий манба бирбирига чамбарчас боғлаб олиб борилмоғи зарур. Шундагина фуқаролар ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги тезроқ ўсишига эришамиз.

Конституция ва қонун устувор, қалқон. Конституцияни билиш ўзини ва адолатли фуқаролик жамиятини англаш мезони бўлиб қолаверади.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**

---

*Маърифий сабоқлар*

# ДАНчилар малака оширмоқда

Сизнингча йўллар ва кўчаларга транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаётган ДАН ходимининг маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари қандай бўлмоғи керак?

Бу саволни Хоразм вилояти Давлат автомобил назорати ходимлари билан ўтказилаётган маърифий-тарбиявий машғулотлар чоғида доимо эшитишингиз мумкин.

- Инсоннинг маънавий қиёфаси ва фазилатлари-фаолият мезони бўлмоғи зарур, - деб ҳисоблайди мазкур бошқарма бошлиғининг ўринбосари, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбари, милиция подполковниги Шавкат Отажонов, - бундай фазилатлар йўл назоратчиси учун айниқса кўпроқ зарур. Негаки, унинг кўп сонли ҳайдовчилар, йўловчилар-фуқаролар билан муомаласи чоғида одамларнинг шонли милициямиз фаолиятига бўлган муносабати шаклланади, ўзининг юксак инсоний фазилатлари, ҳалоллиги, поклиги салоҳияти билан танилган ходим наинки ўз жамоаси, балки бутун тармоққа обрў-эътибор келтиради. Ходимлар билан ўтказилаётган ўқувлардан кўзланган асосий ният ҳам шу.

Бошлиқ муовинининг фикрича, ўтказилаётган ўқувлар амалий фаолият учун муҳим ҳаракат қўлланмасига айланмоғи зарур. Ўқувлар самарасини таъминлаш бошқарма раҳбариятининг диққат марказида турган муҳим масалаларнинг бири. Таъсирчанлик эса билимларни тингловчилар онгига тўла сингдиришнинг ягона мақбул усули.

Хўш, таъсирчанликка қандай эришилади?

Бунинг учун узундан-узоқ зерикарли китобий маърузалардан, қўлланмалар мутоаласидан воз кечмоқ зарур, деб ҳисоблашади бошқарма раҳбарлари. Шундай қилинди ҳам. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг таклиф ва тавсиялари асосида маънавий-маърифий ўқувларнинг янги дастури яратилди.



Муқаддам тизим жамоаларининг ўқуви ягона режа ва дастур асосида эмас, балки ҳар бир шаҳар ва туманда тармоқнинг бошқа хизматлари ходимлари билан бирга қўшиб ўтказилар, бунда ДАН ходимларига тегишли ва тааллуқли мавзу ҳамда машғулотлар кўпинча эътибордан четда қолиб кетарди. Янги дастурга кўра машғулотлар соҳа ходимларининг хизмат вазифаларига дахлдор бўлган йўналишларда олиб борилаяпти. Шаҳар ва туманларнинг ҳудудий жойлашувига кўра вилоят бўйича 3 ўринда ўқув амалиёт курслари таркиб топган.

Вилоят марказидаги билим масканида ДАН бошқармаси, Урганч шаҳри ва тумани давлат автомобил назорати ходимлари таҳсил кўришаяпти. Машғулотларнинг қизиқарли ва таъсирчанлигини албатта муаллимнинг салоҳияти белгилайди. Масаланинг бу жиҳатини олса, ҳар учала ўқув шахобчаси ҳам муаллимга ёлчиган. Сабаби, улар оддий кишилармас: ҳаётнинг аччиқ-чучугини таътиган, илм ва маърифатда кўпчиликка танилган инсонлар. Салкам 2 йил муқаддам Саримой ДАН масканида бир гуруҳ қуролланган террорчиларни тугатиш ва гаровга олинган 26 нафар фуқарони озод қилиш тадбирининг фаол қатнашчиси, "Жасорат" медали соҳиби, милиция полковниги Аминбой Тожиев, суронли йиллар синовларини татиган милиция фахрийлари Ўринбой ота Абдукаримов, Раҳимберган ота Каримов, вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари, шоира, Олий Мажлис депутати Гавҳар Ибодуллаеваларни эндиликда ДАН ходимлари яқиндан танишади. Уларнинг қизиқарли суҳбат ва ҳикоялари, ижодий намуналари барча тингловчилар қалбига кириб бораяпти.

Бундай машғулотлар йил бўйи давом этади, "Маърифат ва маънавият тушунчаси нима?", "Муомала маданиятини биласизми?", "Осойишталик посбонининг маънавий қиёфаси", "Сўзлашув одоби", "Каттага ҳурмат, кичикка ғамхўрлик"- булар ўтказилаётган машғулотлар учун мавзулардир, зеро уларнинг ўзига тингловчи ва ўқувчиларнинг нечоғли мансур ва зарурлигини англатиб қолмасдан, таълим ва тарбиядан кўзланаётган олийжаноб мақсадларни ҳам ифода этади.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

*Ҳай аттанг!!!*

# ҚАЙНОНА – ОНА ЭДИ-КУ, У ЗУЛМКОРЛИКНИ ҚАЙДАН ОЛДИ?..

Яхши қайнона - ҳаёт гултожи. Улар ҳақида ҳамиша оғиздан бол томиб гапирилади. Тиниб-тинчиб кетган келинларнинг қайноналари ҳақида шакаргуфторлик билан гапиришлари одатда барчага хуш ёқади. Бироқ бу рангин ҳаётда шундай қайноналар ҳам учраб қоладики, улар ҳақида "юзини тескари қилсин" деган иборадан нарига ўтолмайсан киши. Яккабоғ туманининг Эдилбек қишлоғида яшовчи Т.Ж. деган аёл шундайлардан бири бўлиб чиқди. 7 нафар фарзанднинг онаси, ўз ўғли А.ни бир эмас, икки бор уйлантирди. Биринчи келиннинг "характери" тўғри келмади шекилли, иккинчи келин қидирганда бекаму кўстини излади. Ниҳоят, келин ҳам топилди. Уй кўрган бўлса ҳам, бахти очилмаган, ҳалимдай юмшоқ, ўзиям дўхтирхонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Ўғлининг эса мардикорликдан ўзга ҳунари йўқ. Бирининг камини бири тўлдиради, дея ўғлига келин қилди. Негадир қонуний никоҳдан ўтишмади ҳам. Янги келин ҳам негадир бу ҳақда сўраб-суриштирмади. Тиниб-тинчиб кетсам бўлдида, деб ўйлади шекилли. Улар саккиз ойча бинойидай яшашди. Тўсатдан ўғил Тошкентга пул ишлашга жўнаб кетди. Қайнона эса келини билан қолганидан фойдаланиб, дийдиёсини бошлади. Бир куни "Сен туғмассан, соқовсан, сени ўғлим билан яшатгани қўймайман" деди. Келин аразлаб кетиб қолди. Одам қўйиб, уни қайтариб олиб келишди. Қайнонанинг эса тили қичий бошлади. Кўпчиликнинг олдида куракда турмайдиган сўзлар билан келинини ҳам, орага тушган қариндошларини ҳам ҳақоратлай бошлади. Кошки бировнинг гапи ўтса бу аёлга?! Шўрлик келин эса бу камситишларга чидай олмади. Уларни енгишга ўзида собит ирода топа олмади. Пайт пойлаб ўз жонига қасд қилди ва касалхонада вафот этди. У жони узилиш олдидан ҳам қайнонасини лаънатлаб кўз юмди. Тергов ҳам қайнона айбли деб топди. Бераҳм қайнона суд ҳукми билан тегишли жазосини олди. Гулдай жувоннинг хазон бўлган умрига ачинасан киши.

Қайноналар меҳр-мурувватли бўлинг, келинлар эса сабр-қаноатли бўлинг, демоқчимиз холос.

**Н.ЗИЯДУЛЛАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туман судининг раиси**

